


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 28 октябрь, № 213 (6648) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатдош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилма ва логистика хизматларини жадал ривожлантиришни таъминлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришнинг энг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий зоналарни изчил ривожлантириш борасида янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари номини бирхиллаштириш мақсадида уларни "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналар деб аташ тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар "Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари (кейинги ўринларда — эркин иқтисодий зоналар) фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий инвесторларга мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторларига инвестиция киритиши учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар учун ягона ҳуқуқий режимни белгилаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, преференцияларни бирхиллаштириш;

маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлайдиган ва юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ва маҳаллийлаштириладиган замонавий корхоналарни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни, авваламбор, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда саноат кооперациясини ривожлантириш;

эркин иқтисодий зоналарда "ягона дарча" тамойили асосида барча турдаги давлат хизматларини кўрсатишга, жумладан, рухсат бериш тартиб-таомилларига босқичма-босқич ўтиш;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида эркин иқтисодий зоналарнинг соҳа кадрларига бўлган ҳозирги ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташини назарда тутган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 сентябрдаги Р-4351-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш комиссиясининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалда қўлланилаётган солиқ ва божхона режимларини бирхиллаштириш ҳамда ушбу зоналар иштирокчиларининг қуйидагилардан:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларидан;

ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар, шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан озод этиш (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, мазкур бандда қайд этилган божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда олиб келинган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилган ёки беғараз берилган ҳолларда, улар олиб келинган пайтдан бошлаб уч йил давомида божхона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Фармоннинг 3-бандида кўзда тутилган имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмига қараб 3 йилдан 10 йил муддатгача, жумладан:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларидан 5 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 5 йил муддатга;

5 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар — 7 йил муддатга;

10 миллион ва ундан кўп АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкалари қўлланган ҳолда — 10 йил муддатга берилади.

5. "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари учун шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари:

эркин иқтисодий зоналар фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади;

эркин иқтисодий зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлари — резидентлари томонидан етказиб берилган товарлар, ишлар (хизматлар) учун хорижий валютада тўлаш, шунингдек, экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шарт ва шаклларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

6. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналарининг Маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Қуйидагилар эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш;

корхона ва ташкилотларга — эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари мақомини бериш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари бўлган хўжалик субъектларига эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, мустаҳкам кооперация алоқаларини йўлга қўйиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга кўмаклашиш;

эркин иқтисодий зоналарда лойиҳаларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг лойиҳа, тендер ҳамда шартнома ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва уларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларга оид ишларини мувофиқлаштириш;

эркин иқтисодий зоналарда объектлар қуриш ва уларни ўз вақтида фойдаланишга топширишга доир тасдиқланган инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилишини тизимли асосда назорат қилиш;

эркин иқтисодий зоналарда транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини шакллантириш ва улар фаолияти устидан назорат қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

7. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига:

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларига фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва давлат тасарруфида бўлган мулкларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан "ноль" қийматда сотиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг хизматлар кўрсатиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, улар фойдаланаётган ва бошқарувидаги ерлар, бино ва иншоотларни ижарага беришдан тушадиган тушумлар ҳисобидан шакллантириладиган ўз бюджетларини ташкил қилиш;

ушбу бюджетлар доирасида эркин иқтисодий зоналар инфратузилмасини ривожлантириш ва фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган Эркин иқтисодий зоналар жамғармаларини ташкил этиш ҳуқуқлари берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, акциядорлик компаниялари ва уюшмалар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгаши тўғрисидаги Низомни;

"Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари фаолиятини янада такомиллаштириш ва кенгайтириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ва ушбу зоналарни ривожлантиришнинг бошқа масалаларига тааллуқли аниқ тадбирлар кўзда тутилган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқувчи ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 26 октябрь

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Ўзбекистон замонавий сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва қоидалари асосида шакллантирилган. Шуни қайд этиш керакки, инсоннинг сиёсий ва сайлов ҳуқуқлари соҳасида бир қатор муҳим халқаро ҳужжатлар мавжуд.

# Халқаро сайлов андозалари ва миллий қонунчилик

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, БМТ Сайловларни халқаро кузатиш принципларининг декларацияси (унга Халқаро кузатувчиларнинг ахлоқ кодекси илова қилинган), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси, Янги Европа учун Париж хартияси, ЕХҲТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгашининг ҳужжати шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси юқорида номлари зикр этилган барча халқаро шартномаларга қўшилган. Мамлакатимиз Конституцияси муқаддимаси ҳамда 17-моддасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормалари устуворлиги тан олинган. Ўзбекистон миллий сайлов тизимини шакллантириш жараёнида халқаро сайлов стандартларининг асосий талаблари инобатга олинган.

(Давоми 2-бетда).

## МУНОСАБАТ

# Аҳоли фаровонлигининг ёрқин ифодаси

Юртимизда изчил амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат одамлар турмуш даражасини янада юксалтириш, инсон манфаатлари устуворлиги тамойилини амалда кафолатлаш мақсадларига хизмат қилмоқда.

Хусусан, узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар самарасида фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари тубдан яхшиланиб бораётир. Юртимизнинг барча ҳудудида турар-жойлар қуриш суръати ва кўлами жадаллик билан ортмоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони сезиларли даражада ошгани, аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни тураржой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони кенгайгани, уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида экани алоҳида диққатга сазовор. Бинобарин, фуқароларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражасидан қониқиш ҳисси оилавий бахт-саодатдан кейинги ўринда турувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг салмоқли қисми истиқомат қиладиган қишлоқ жойларда 2009 — 2016 йилларда 1 минг 300 дан зиёд манзилда 69 ярим мингдан ортиқ шинам уй-жой барпо этилди, минглаб оилаларнинг яшаш шароити яхшиланди. Айни чоғда қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси ривожлантирилди. Аҳолининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлиги юксалиши, табиийки, уларнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабати тубдан ўзгаришига туртки берди.

(Давоми 2-бетда).

## ФАРМОН ВА ИЖРО

Кеча пойтахтимиздаги "Истиқлол" саройида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат солиқ, божхона қўмиталари, Адлия, Ички ишлар вазирликлари масъул ходимлари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари қатнашди.

# Очиқ ва юзма-юз мулоқот

### тадбиркорларга ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имконини берди

Унда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан шу йил 5 октябрда имзоланган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтириш ҳамда унинг ижросига қаратилди.

Кейинги йилларда глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора секинлашиб, жаҳон бозорларида кузатилаётган ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат таъминланиб, барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Жорий йил тўққиз ойи якунлари бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 7,8 фоиз ошгани, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 7,2, қурилиш ишлари 15, чакана савдо айланмаси 14,2, хизматлар кўрсатиш эса 12,4 фоизни ташкил этгани бунинг яққол далилидир.

Бундай юксак натижаларга эришилишида машҳур бешта тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегияси изчил ҳамда тизимли амалга оширилаётгани муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон мева-сабзавотлари

### экологик тозалиги ва витаминларга бойлиги билан дунё бозорида алоҳида эътироф этилади

Шу йилнинг 8-10 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтади.

(Давоми 3-бетда).



# Суд ҳокимияти мустақиллиги

### ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиларидан биридир

Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб моҳиятида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассам. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ҳамда тотувликни сақлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда матбуотда эълон қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга йўналтирилган бир қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).

## 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

# Қизларнинг бизнес ғоялари қўллаб-қувватланмоқда

*Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг истеъдоди ҳамда салоҳиятини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хусусан, уларга илғор бизнес ғоялари асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ва ривожлантириши учун кўмаклашиш айни дамда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.*

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Марказий банк томонидан Меҳнат вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" танлови моҳиятига кўра ана шу мақсадга йўналтирилган.

Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, журналистлар иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).

# Халқаро сайлов андозалари ва миллий қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда изчил ривожлантириш ҳамда шакллантириш соҳасида катта тажриба тўпланди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида 23-боби айнан сайлов тизимига бағишланган. Унда Президент сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов масалалари тартибга солинган.

Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Умуман, сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар таъминланади.

Мустақиллик йилларида конституциявий қоидаларни рўёбга чиқариш мақсадида сайлов жараёнини тартибга соладиган ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Улар, аввало, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар шулар сирасидандир. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг қатор низом ва йўриқномалари ҳам сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини тартибга солади.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилигини ушбу соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли ва изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2003 йилда икки палатали парламент сайловини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Миллий сайлов тизими ривожида 2008 йили сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгартишлар муҳим босқич бўлди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, шундан 135 нафар депутат сиёсий партиялардан сайланади. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамият касб этиб бораётганидан келиб чиққан ҳолда, қуйи палатамиздаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига сайлов жараёнининг янада либераллашувини таъминлайдиган қатор нормалар киритилди. Жумладан, сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал қилиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди. Шулар қаторида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиянинг "ваколатли вакили" деган янги институт киритилди, унга имзо варақаларининг тўғри тўлдирилишини текширишда, сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқи берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга қулай муҳит яратиш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, бунда эркин ва тенг ҳуқуқли сайловлар натижасида асосий сиёсий кучлар намоён бўлади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси амалга оширилиши натижасида сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг навбатдаги босқичи бошлаб берилди. 2012 йилда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари, муддати белгиланди, ушбу тушунчага аниқ изоҳ берилди. Қонунда сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма ўз ифодасини топди. Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги қонун даражасида мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш тартиби, муддати ва қоидаси аниқ белгиланди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига киритилган қоидага мувофиқ, сайлов участкалари қамоқда сақлаш жойларида ҳам тузилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

2013 йилда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонунга сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ваколатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Янги қоидаларга кўра, партия гуруҳлари давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлди. Уларга, шунингдек, тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ваколати берилди. Ушбу чоралар партиялараро рақобатни кучайтиришга хизмат қилиб, бугунги кунда мамлакатимиз сайлов жараёнида амалий тасдиғини топмоқда.

2014 йилда Конституцияга киритилган янгиликлар сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш имконини берди.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонунда кўзда тутилган қоидаларни амалга оширишнинг қонуний механизмларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар доирасида 2014 йилда бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси "Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган янги $V^1$ боб билан тўлдирилди. Алоҳида модда билан Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, шунингдек, уларнинг қарорларини ижро этмаслик учун жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига ўзгартиш киритилди. Унга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетида алоҳида сатрда назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайловлар ва референдумларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича харажатлари, шу жумладан, округ ва участка сайлов комиссияларини, сиёсий партияларни молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади.

Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган янгиликлар муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, фаолият принциплари тушунтирилди ҳамда Марказий сайлов комиссияси аъзоларига талаблар белгиланди.

2015 йил 29 декабрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Марказий сайлов комиссияси томонидан чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар берилади, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида, илгариги қоидаларга кўра, фақатгина доимий яшаган фуқаролар эмас, айни пайтда вақтинча истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзоси сони жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизидан бир фоизга камайтирилди. Муддатидан олдин овоз беришнинг вақти, тартиб-таомиллари белгиланди. Қонун билан "жимлик куни" ўрнатилди, яъни нафақат сайлов куни, айни вақтда овоз бериш бошланишига бир кун қолганида ҳам сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартибига изоҳ берилди.

Умуман, миллий сайлов қонунчилигининг босқичма-босқич такомиллаштирилиши, унинг халқаро стандартлар билан янада уйғунлаштирилиши ва янада мустаҳкамланиши Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислоҳотлар билан узвий ҳолда олиб борилди. Уларнинг асосий мақсади эса демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдир.

**Дилафрўз СЎФИЕВА,**
**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти бош мутахассиси.**

## САЙЛОВ — 2016

*Наманган шаҳри марказида жойлашган Ёшлар маркази эртадан кечгача одамлар билан гавжум. Тун оғгунча бинонинг чироқлари ўчмайди — иш қизғин. Гап шундаки, бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссияси жойлашган.*

# Ошкоралик ва шаффофлик — асосий мезон

Бинонинг иккинчи қаватидаги кенг хоналардан бири округ сайлов комиссияси матбуот марказига ажратиб берилган. Бу ерда турли таҳририятларда фаолият юритадиган, сайлов кампаниясини ёритиш бўйича катта тажрибага эга ОАВ вакиллари иш олиб бормоқда. Олти кишилик жамоага журналист С. Рапиқов раҳбарлик қилади. У газетачиликдан яхши хабардор, теле ва радиоэшиттиришлар тайёрлашда ҳам ўзини синаб кўрган, интернет журналистикаси йўналишида қалам тебратган ижодкор.

Журналистика факультетини тамомлагач, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот котиби бўлиб ишлади, сўнг маҳаллий телерадиокомпания мухбири сифатида барча туман ва қишлоқлар ҳаётини ёритишда фаол қатнашди. Бир неча йил давомида вилоят ҳокимлиги матбуот хизматига раҳбарлик қилди. Шу маънода айтганда, у ҳудуддаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ҳурмат ва эътиборга эга.

— Маълумки, сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим ажралмас таркибий қисми ҳисобланади, — дейди у. — Фуқаролар айнан сайловда қатнашиш орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этишади. Мамлакатимизда халқаро стандартларга ҳамда демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилган. Унинг асосий мезонларидан бири очиқлик ва ошкораликдир. Албатта, бунда оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига катта масъулият юкланади. Матбуот марказимиз газета, радио ва телевидение ҳамда ахборот агентликлари вакилларига бу борада яқиндан кўмак бериб келмоқда. Умуман, бутун фаолиятимиз мана шу мақсадга қаратилган. Биз ҳар куни "Матбуот маркази хабар қилади..." рукнида сайловга оид материаллар тайёрлаб, таҳририятларга электрон почта орқали юбораяпмиз.

Матбуот маркази ходимлари ҳар кунлик ишни кечаги куннинг таҳлилидан бошлашади. Масалан, матбуот маркази ходими А. Сатторов вилоят ва туман газеталарини таҳлил қилади, Р. Жумабоев эса тармоқ нашрларида сайловга оид эълон қилинган материалларни ўрганиб чиқади, О. Парпиев эса вебсайтларда чоп этилган хабар ва янгиликларга эътибор қаратади. Матбуот марказининг бошқа ходимлари ҳам у ёки бу мақола, кўрсатув ҳақида фикр билдиришади. Матбуот маркази раҳбари барча маълумотларни умумлаштириб, галдаги вазифаларни белгилаб беради.

Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастурида кенг кўламли тушунтириш ишлари кўзда тутилган. Шу муносабат билан шаҳарнинг "Наманган садоси" газетаси журналистлари "Сайлов қонунчилигини ўрганамиз" деб номланган рукн очиб, ҳар сонида мутахассис ва экспертларнинг материалларини бериб боришмоқда. Айни пайтда ўқувчилар саволлари асосида ҳам мақолалар тайёрлашга эътибор қаратилаяпти. Мисол учун, "Косонсойнома" газетасида "Сайлов — 2016: савол ва жавоблар" деб номланган доимий рукн жорий қилинган. Ушбу ижодий жамоанинг тажрибаси бошқа таҳририятларда ҳам қўлланилаяпти.

Матбуот маркази нафақат таҳририятлар, айни пайтда ҳар бир журналист билан бевосита ҳамкорликни йўлга қўйган. Округ сайлов комиссияси томонидан 25 та оммавий ахборот воситасининг қарийб 50 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди. Улар тадбирлар ҳақида олдиндан хабардор қилинаяпти, зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминланмоқда. Шу билан бирга, марказий газета, телевидение ва радиода ҳам вилоятда сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёни кенг ёритилаётир.

— Округ сайлов комиссияси матбуот марказини ўзига хос кўприкка қиёслаш мумкин, — дейди "Янгиқўрғон ҳаёти" газетаси муҳаррири Д. Асқарова. — Чунки икки томон билан ишончли муносабат ўрнатмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Матбуот марказидаги ҳамкасбларимиз ишимизнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни газета нашр қилинадиган кунни, янгиликлар эфирга кетадиган вақтни ҳисобга олишади, шундан келиб чиқиб, тегишли материаллар зудлик билан тақдим этилади. Наманган вилоятидаги газета, радио ва телевидение эфирларида, қолаверса, интернет нашрларида сайлов кампаниясига оид кунига 10 — 15 та материал эълон қилинаётгани ҳам ҳамкорлигимиз самарадорлигидан далолатдир.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ.**

# Суд ҳокимияти мустақиллиги

## ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиларидан биридир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буларнинг муваффақиятли ижроси суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини тўла кафолатлашга хизмат қилади.

Аввало, Фармонда одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш қатъий вазифа сифатида белгиланганини қайд этиш жоиз. Албатта, бу ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Айни чоғда ҳар бир мурожаатни ўз вақтида кўриб чиқиш, яъни уларга сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлишга йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, ҳар бир соҳадаги ислоҳотлар самараси бевосита ходимлар малакаси ҳамда дунёқарашига боғлиқ. Шу боисдан ҳам Фармонда ходимлар ўртасида суиистеъмолчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш бўйича идоравий назоратни кучайтириш, одоб-ахлоқ қоидаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ масала қатъий белгилаб қўйилган. Шу мақсадда унда юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни демократик танлов асосида ишга қабул қилиш тизимини такомиллаштириш ҳам устувор вазифалардан бири сифатида илгари сурилган.

Айтиш кераккки, мазкур ҳужжат билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси ва Адлия вазирлигининг судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи таклифи маъқуллангани қайд этилган.

Шунингдек, унда почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, судларга қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқини бериш, терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмларини жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтини бекор қилиш, фуқаролик иши бўйича суд қарорини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддатини 3 йилдан 1 йилга қисқартириш, вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтини тугатиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш бўйича ваколатларини бекор қилиш каби қатор янгиликлар назарда тутилган. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳам кўрсатиб ўтилган.

Умуман, Фармонда назарда тутилган шу ва бошқа устувор вазифалар суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларини янги босқичга кўтариш орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини изчил таъминлаш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишимизда ўзига хос кафолат бўлади.

**Олим ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси.**

# Очиқ ва юзма-юз мулоқот

## тадбиркорларга ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имконини берди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу жараёнда бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, миллий қонунчилигимизда унинг устуворлиги таъминлангани алоҳида эътиборга моликдир. Пировардида истиқлол йилларида халқимизнинг тадбиркорлик фазилати нафақат қайта тикланди, балки янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Яқинда қабул қилинган Фармон эса хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани равнақ топтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иқтисодиётимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатининг навбатдаги муҳим босқичини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев ва бошқалар таъкидлаганидек, мазкур дастуриламал ҳужжатда тадбиркорлик субъектларига кенг эркинлик бериш, хусусан, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини юксалтириш энг муҳим устувор йўналиш, давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, улар ишини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги янада кучайтирилди. Эндиликда кичик бизнес субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилиши белгилангани, давлат органларига айбдор ходимларга нисбатан нафақат интизомий, балки маъмурий ёки жиноий жавобгарликнинг энг қатъий чораларини қўллаш мажбурияти юклатилгани бизнес юритишни либераллаштиришдаги муҳим қадамдир.

Қайд этилганидек, Фармонга асосан, амалиётга татбиқ этилаётган янгиликлар, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига бевосита аралашиш, яъни назорат тадбирларини чеклаш бўйича нормалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу бежиз эмас, албатта. 2017 йилнинг 1 январидан эътиборан тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишнинг барча тури бекор қилинмоқда. Фақат икки ҳолатгина бундан мустасно. Яъни юридик шахслар тугатилаётганида ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берган мурожаатлари асосида бундай тадбирлар ўтказилиши мумкин. Шунда ҳам бу ишга фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ киришилади. Бу эса 2017 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларида ўтказиб келинаётган текширишларни 4 мингдан ортиққа қисқартиришга олиб келади.

— Ушбу мулоқотнинг ташкил этилгани биз, тадбиркорлар учун айни муддао бўлди, — дейди Чилонзор туманидаги "Камрон текстиль" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Нодирбек Норбоев. — Сабаби, Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида унинг ижроси учун масъул бўлган республика идораларининг биринчи раҳбарларидан батафсил маълумот олиш имкониятига эга бўлдик. Масалан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ҳудудий (вилоят ва туман) комиссияларининг ҳозирги вақтда амалда бўлган режадан ташқари қисқа муддатли текширишларга рухсат бериш ваколатлари бекор қилингани диққатга сазовор.

Текширувларни камайтириш юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунинг самарасида бундай тадбирлар сони ва даврийлиги йил сайин қисқармоқда. Мисол учун, 1998 йилдан солиқ текширувларини амалга ошириш даврийлиги йилда бир маротаба этиб белгиланган бўлса, 2005 йилдан молия-хўжалик фаолияти бўйича режали текширувларнинг даврийлиги микрофирма ва кичик корхоналар учун ҳар тўрт йилда кўпи билан бир маротабагача, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун эса уч йилда бир маротабагача камайтирилди. Бундан ташқари, янгидан ташкил этилган субъектлар, оилавий тадбиркорлар ҳамда фермер хўжаликлари дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан озод қилингани айни муддаодир.

Анжуман онлайн шаклда ташкил этилгани туфайли ушбу мулоқотда пойтахтимиз туманларида фаолият юритаётган қарийб 40 минг тадбиркор реал вақт режимида иштирок этиш, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имконига эга бўлди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аҳоли фаровонлигининг ёрқин ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, ўрганишлар қишлоқ жойларда уй-жой қуриш ишларининг изчиллиги ва самарадорлигини оширишда одамларнинг реал эҳтиёжи ҳамда харид қобилиятини инобатга олиш, ушбу соҳада янги ёндашувларни жорий қилиш зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарор бу борада айни муддао бўлди.

Эътиборлиси, мазкур ҳужжатга асосан, кейинги беш йилда амалга ошириладиган, қишлоқ аҳолисининг замонавий, сифатли, шинам ҳамда арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида, тегишли ҳудудларда муҳандислик-коммуникация тизимлари, транспорт тармоқларини биргаликда ривожлантириш мақсадлари кўзда тутилган Дастур аниқ ва пухта чора-тадбирларни қамраб олган.

Дарҳақиқат, бу Дастурда қишлоқларда якка тартибда уй-жой қурилишига замон талабларига мос ва ўзига хос ёндашувни кўрамиз. Унга мувофиқ, имтиёзли кредит беришнинг қулай шартларини жорий этиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари муҳим йўналишлар асосида уй-жойларнинг янги намуналарини қуришда фуқаролар учун ҳар томонлама имкониятлар яратилади. 15 йил муддатга ипотека кредитларининг 3 йиллик имтиёзли давр ва биринчи беш йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдорида, кейинги йилларда кредитнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг ҳозирги вақтда йиллик 9 фоизни ташкил этадиган қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаслиги, қурилиш-монтаж ишларининг сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилиши ҳамда Дастурнинг самарали бажарилиши давлат тузилмаларининг алоҳида назоратда бўлиши ва тизимли мониторинги юритилиши яна бир аҳамиятли жиҳатдир.

Албатта, қишлоқ аҳолисининг муносиб турмуш кечиришига кўмаклашишдек эзгу ниятга йўғрилган бу ташаббусни фуқароларимиз чексиз миннатдорлик ва мамнунлик билан қўллаб-қувватламоқда. Зеро, юқорида келтирилган қарор доирасида рўёбга чиқариладиган янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари нафақат қишлоқларимизнинг янада обод, кўркам манзилларга айланишини, балки оилаларнинг фаровонлик даражаси ошиб, ҳар бир инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши, фарзандларимизнинг баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етиши учун кўмаклашиш борасида залворли натижаларга эришишни таъминлайди.

**Қ. ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

## ИНТИЛИШ

Бувайда туманидаги "Аҳмад Тож Ҳайдар" хусусий корхонаси тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган.

# Коллеж битирувчиси таклиф этган лойиҳа амалга ошди

Ҳозир бу ерда 14 ёшгача бўлган болалар учун 35 хилдан ортиқ турдаги кийим-кечаклар тикилаяпти. Бундан ташқари, кичик бизнес субъекти қошида шлакоблок тайёрлаш цехи ҳам ишлаб турибди.

Яқинда банкнинг 60 миллион сўмлик кредити эвазига болажонлар учун 12 турдаги юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

— Мазкур лойиҳа коллежни тамомлаган набирам Шоҳсанам Аъзамова ташаббуси билан амалга оширилди, — дейди корхона раҳбари Зебохон Тожиматова. — Айни пайтда қишлоғимиз ёшларидан 9 нафари маҳаллий хом ашёдан ўйинчоқлар ясамоқда.

Эндиликда жамоа ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришни ҳам режалаштираяпти.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон мева-сабзавотлари

## экологик тозалиги ва витаминларга бойлиги билан дунё бозорида алоҳида эътироф этилади



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу чет эллик ҳамкорлар, озиқ-овқат саноати корпорациялари ҳамда ритейл компаниялар учун мазали мева-чевалари билан дунёда довруқ қозонган Ўзбекистон боғдорчилиги ютуқлари билан яқиндан танишиш, ўзбек фермери ва соҳибкорлари билан сархил мева-сабзавот, узум, полиз маҳсулотлари, улар асосида тайёрланган экологик тоза маҳсулотлар хариди бўйича тўғридан-тўғри савдо-сармоявий алоқалар ўрнатиш учун қулай фурсатдир. Шу боис халқаро доирада мазкур тадбирга бўлган қизиқиш катта. Буни Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекциясига форумда иштирок этиш мақсадида кўплаб хорижий компания ва фирмалар, савдо ҳамда логистика марказларидан келиб тушаётган аризалар сони кун сайин ортиб бораётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 30 сентябрдаги Фармойишига мувофиқ, асосий ташкилотчилар — Қишлоқ ва сув хўжалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, “Ўзбекозиқовқатхолдинг”, “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компаниялари, “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси, шунингдек, бошқа тегишли ташкилотлар томонидан пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ҳужжатда ярмарка ҳар йили анъанавий равишда икки босқичда ўтказилиши белгилаб берилган. Яъни дастлабкиси ҳудудий бўлиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар қамраб олинса, иккинчиси халқаро миқёсда уюштирилади. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш, тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, савдо-сармоявий ҳамкорлар сафини кенгайтиришдир.

Шу маънода, 24 октябрь куни жойларда бошланган жорий йилги ҳудудий ярмаркалар кутилганидек ўта самарали кечмоқда. Чунки ушбу тадбирларда энг чекка ҳудудда фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар, саноат корхоналари, кичик бизнес субъектлари ҳам қамраб олинди. Натижада саховатли заминимизда етиштирилган турфа ноз-неъматлар, қуритилган ва чуқур қайта ишланган мева-сабзавотлар, зиравор ҳамда ичимликлар кенг намойиш этилаяпти. Буни яқиндан кузатаётганлар Ўзбекистонимиз, ҳақиқатан ҳам, жаннатмонанд ўлка, унинг тупроғида етилган неъматлар тенгсиз эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, ўзбек мева-сабзавотлари азал-азалдан юксак сифат кўрсаткичлари билан маълуму машҳур. Сабаби, юртимизда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти табиий деҳқончилик тамойилларига асосланган. Яъни кимёвий воситалар деярли қўлланилмаслиги эвазига мазали таъм ва юқори истеъмол хусусиятига эга бўлган экологик тоза мева-сабзавотлар етиштирилади.

Шу билан бирга, ҳозирги пайтда селекционер олимларимиз томонидан яратилган сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошканинг 170 дан ортиқ, мева ва резавор экинлар ҳамда узумнинг 175 нави орасидан энг саралари, яъни ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилари парваришланаётир. Энг асосийси, улар генларни модификация қилиш технологияларидан бутунлай холи эканлиги билан ажралиб туради. Натижада йилига 18 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Пировардида Ўзбекистон жуда қисқа давр ичида ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ҳамда сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда етакчи 10 та давлатдан бирига айланди. Бошқача айтганда, жаҳоннинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавотлар ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2016 йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мева-сабзавотчилик истиқболида тамомила янги саҳифалар очилишида катта туртки бўлди.

Гап шундаки, унга биноан, наинки мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ҳамда узум етиштириш ҳажмини ошириш, балки харид қилиш, сифатли сақлаш, саноат корхоналарини хом ашё билан барқарор таъминлаш, экспорт қилиш бўйича ўзига хос янги тизим яратилди. Қолаверса, I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси ҳам мазкур ҳужжат асосида ташкил этилаётган бўлиб, у янги савдо йўлакларини очиш, экспорт географиясини янада кенгайтиришга хизмат қилиши кутилаяпти.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекциясидан маълум қилишларича, “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма мажмуаси тадбирга шай ҳолга келтирилмоқда. Унинг павильонларида республикамизнинг барча ҳудудидан ташриф буюрган 150 дан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар, шунингдек, қайта ишлаш корхоналари ўз маҳсулотларини намойиш этишлари учун ҳамма қулайлик яратиб берилади. Ўз навбатида, чет эллик харидорлар, экспортёрлар учун тақдим этилаётган ноз-неъматлар билан яқиндан танишиш, зарур маълумотлар олиш, ўзбек фермер ва деҳқонлари билан тўғридан-тўғри кооперация алоқаларини ўрнатиш мақсадида “Музокара майдончалари” фаолияти йўлга қўйилади.

Шу билан бирга, ярмарка доирасида хорижлик мутахассис ва меҳмонлар учун интенсив боғлар, мева-сабзавотни қайта ишлаш корхоналари, совитиш мажмуаларига сафар уюштирилиши мўлжалланмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг боғдорчилик, сабзавот-полизчилик жабҳасидаги юксак салоҳияти билан яқиндан танишиш, маҳсулот етиштирувчи ва қайта ишловчилар билан узоқ муддатли, истиқболли ҳамда ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш учун айни муддаодир.

I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси саховатли куз сепини ёйган айни пишиқчилик мавсумида ўтказилаётгани хорижий савдо тузилмаларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса экспорт салоҳиятини янада ошириш, соҳада чет эллик инвесторлар иштирокида истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда янги уфқларни очишга хизмат қилиши муқаррар. Зеро, тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам бугунги замон талаблари, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган, самарали ва шаффоф бозор механизмини шакллантиришдан иборатдир.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# Қизларнинг бизнес ғоялари қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида, шу жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш чора-тадбирлари кенг кўлам касб этмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган опа-сингилларимизнинг сони 45 фоизга етган ҳамда улар орасида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ибрат кўрсатиб, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган аёлларнинг сафи тобора кенгайиб бораётир. Минглаб аёлларимиз тадбиркорлик соҳасининг турли йўналишларида ишлаб чиқариш корхоналарини очиб, хотин-қизларга иш ўринлари яратаяпти.

Жорий йилнинг тўққиз ойида республикамизда хотин-қизлар учун 300 мингга яқин иш ўринлари ташкил қилинди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 1,3 триллион сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Ҳудудларда хотин-қизлар қўмиталари, банк тизими ва ҳамкор ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари самарасида касб-ҳунар коллежларини битирган қизларни иш билан таъминлашда салмоқли натижаларга эришилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги икки ярим мингга яқин қизга кредитлар берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги саноат касб-ҳунар коллежини битирган Шаҳноза Болтабаева “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг молиявий кўмагида гўзаллик салонини очиб, қишлоқ аёлларига замонавий хизмат кўрсатишни йўлга қўйди, тенгдошларини иш билан таъминлади.

— Юртимизда ёшлар, хусусан, қизлар таълим-тарбиясига устувор эътибор қаратилиб, мустақил ҳаётда ҳамда жамиятда ўрнимизни топишимиз учун чексиз ғамхўрлик кўрсатилаётгани бизга янада рағбат бағишламоқда, ўзимизга бўлган ишонч ҳиссини ошираётир, — дейди у. — Келгусида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бизнесимни кенгайтиришни, янги лойиҳалар асосида қизлар учун иш ўринлари яратишни ният қилганман.

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидан Дилзебо Ҳасанова эса “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси” танловида ишлаб чиқариш соҳасидаги бизнес режаси билан иштирок этди. Унинг лойиҳасида саховатли заминимизда етиштирилган сархил меваларни замонавий технология асосида қуритиш ва истеъмол бозорига етказиб бериш кўзда тутилган.



— Бугун ҳаётимдаги энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолиши шубҳасиз, — дейди Д. Ҳасанова. — Танловда “Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа” номинацияси бўйича тақдирландим ва бизнес режамни амалга ошириш учун “Қишлоқ қурилиш банк”дан 6,5 миллион сўм миқдоридаги кредит олиш имкониятини берувчи сертификатга эга бўлдим. Истиқболда ишлаб чиқаришни ривожлантириб, қуритилган мева маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришни режалаштирганман. Мана шундай ташаббусларимиз давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани бизни янада изланишга, интилишга ундайди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, жорий йилда илк бор ўтказилган “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси” танлови ишбилармонлик лаёқатига эга қизларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш саъй-ҳаракатларининг самарасини яққол кўрсатди. Юқори савияда уюштирилган танловнинг туман (шаҳар) босқичларида “Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа”, “Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа”, “Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг яхши лойиҳа” сингари номинацияларда тўрт ярим мингдан ортиқ, ҳудудий босқичларда 600 га яқин қиз ўз бизнес лойиҳаси билан қатнашди. Ҳудудий босқичларда юқори баҳоланган 82 лойиҳа танловнинг республика босқичига тақдим этилди. Мазкур лойиҳалар қандолатчилик, тикувчилик цехларини, саломатлик марказларини, умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил қилиш, иссиқхона қуриш, паррандачилик, асаларичилик билан шуғулланиш каби йигирмага яқин йўналишларни қамраб олган.

Тадбирда шулар хусусида сўз юритилар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони хусусий сектор тараққиётида дастуриламал бўлиши, унинг доирасида рўёбга чиқариладиган комплекс чора-тадбирлар аёлларнинг ҳам, айниқса, касб-ҳунар коллежларини битирган қизларнинг тадбиркорлик соҳасида ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён қилиб ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этишига урғу берилди.

— Дарҳақиқат, мазкур ҳужжат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кучайтиришда алоҳида ўрин тутади,— дейди Республика Марказий банки Тижорат банкларининг инвестициялар портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов. — Таъкидлаш зарурки, юртимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш банк тизимининг доимий диққат-эътиборидадир. Бу борада тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сўнгги ўн йилда кредитлаш ҳажми ўттиз баравардан зиёд ўсгани хотин-қизлар тадбиркорлиги жадал суръатда равнақ топаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Нурматованинг таъкидлашича, жорий йилнинг апрель-май ойларида ҳар бир касб-ҳунар коллежида “Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси” танлови доирасида битирувчи қизлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш, яратилган имкониятлар ҳақида батафсил маълумот бериш масалаларига бағишланган ўқув семинарлари ва учрашувлар ўтказилгани айни муддао бўлди. Улар натижаларига кўра, 18 мингга яқин битирувчи қизларга ўз бизнес лойиҳаларини шакллантиришда яқиндан кўмаклашилди.

— Бу йил туманимиздаги тиббиёт коллежини битирдим, — дейди Навоий вилояти, Хатирчи туманидан Шалола Акрамова. — Тадбиркор бўлишни, ўз бизнесимни йўлга қўйишни орзу қилардим. Сутни қайта ишлаш бўйича бизнес лойиҳамни тайёрладим. Ғоям амалга ошди, кичик цех очдим. Бунда, албатта, тадбиркорлик фаолиятига бағишланган ўқув-семинарларда олган билим ва кўникмаларим, шунингдек, банк томонидан ажратилган кредит асқатди. Мана шундай танловлар мен каби юзлаб қизлар учун бекиёс имкониятдир.

Танлов натижаларига кўра, тегишли номинациялар бўйича ғолиб деб топилган иштирокчилар диплом, тижорат банкларининг сертификатлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир давомида таниқли санъаткорларнинг чиқишлари анжуманга янада байрамона шукуҳ бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ЭЪЛОНЛАР

**БИЛДИРИШ!**

**«BEST REALTOR» МЧЖ**

томонидан очиқ аукцион савдоларига чиқарилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Тузел-2 мавзеси, 13-уйдаги 58-хонадоннинг аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлимининг 2016 йил 24 октябрдаги 12360/7-сонли хатига асосан тўхтатилганлиги маълум қилинади.

1614R/540

**Манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11.** Хизматлар лицензияланган.

**«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ** *очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

2016 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2013 йил 21 июндаги 1-445/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space arsenal service» МЧЖда сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 N 519 ЕА бўлган, «Nexia DOHC GLE» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 24 957 471 сўм.***

2016 йил 16 ноябрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

**I.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан хатланган, Бекобод шаҳри, «Бекобод-гўшт-сут-савдо» МЧЖ омборида сақланаётган:

* ЖИБ Бекобод шаҳар судининг 2014 йил 22 июлдаги 1-145-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 М 693 ЕА бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-3110» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 8 080 613 сўм.***

* ЖИБ Бекобод тумани судининг 2015 йил 3 сентябрдаги 1-318-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 D 473 ВА бўлган, «ГБА СПГ Damas» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 11 914 908 сўм.***

**II.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 16 февралдаги 2-20/854-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чирчиқ шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган:

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, сариқ рангли, техник соз, давлат рақами 10 А 030 JA бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-322132» русумли микроавтобус.

***Бошланғич баҳоси — 9 091 368 сўм.***

* 2006 йилда ишлаб чиқарилган, сариқ рангли, техник соз, давлат рақами 10 Р 301 ЕА бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-322132» русумли микроавтобус.

***Бошланғич баҳоси — 9 091 382 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник соз, давлат рақами 10 W 213 АА бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-322132» русумли микроавтобус.

***Бошланғич баҳоси — 9 276 920 сўм.***

* 2008 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, техник соз, давлат рақами 10 А 202 GA бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-322132-414» русумли микроавтобус.

***Бошланғич баҳоси — 9 091 382 сўм.***

* ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йил 7 августдаги 14442-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 S 938 КА бўлган, «ВАЗ-2102» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 908 344 сўм.***

* ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йил 20 октябрдаги 14443-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 М 064 ВА бўлган, «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 629 083 сўм.***

* ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йил 20 октябрдаги 14445-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Н 470 АА бўлган, «Ford-tranzit» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 9 575 990 сўм.***

* ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йил 20 октябрдаги 14446-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Т 344 АА бўлган, «Dogan» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 694 976 сўм.***

* ЖИБ Паркент тумани судининг 2014 йил 11 ноябрдаги 15713-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Z 923 ЕА бўлган, «ВАЗ-2105» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 853 123 сўм.***

* ЖИБ Олмалиқ шаҳар судининг 2014 йил 2 сентябрдаги 11226-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Е 529 КА бўлган, «ВАЗ-2101» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 625 911 сўм.***

ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 9 мартдаги 2-23/863-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Н 815 JA бўлган, «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 4 361 688 сўм.***

* 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 F 979 JA бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 4 351 741 сўм.***

* ЖИБ Яккасарой тумани судининг 2014 йил 10 октябрдаги 1-478/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 N 091 ЕА бўлган, «ВАЗ-2106» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 5 864 142 сўм.***

* ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 2015 йил 8 октябрдаги 1-244/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 С 965 ТА бўлган, «ВАЗ-2107» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 15 046 034 сўм.***

**III.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 27 июлдаги 11-1536/7301-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Промбаза ҳудудида сақланаётган 50 тонналик кран (козловой кран).

***Бошланғич баҳоси — 227 384 722 сўм.***

* ЖИБ Паркент тумани судининг 2015 йил 10 мартдаги 1-66-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2, «Мариам текстиль сервис» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А 186 СА бўлган, «ВАЗ-21061» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 815 983 сўм 17 тийин.***

**IV.** Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2015 йил 9 мартдаги 1-95-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 К 7857 бўлган, «ГБА СПГ ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 849 015 сўм.***

ЖИБ Миробод тумани судининг 2014 йил 2 июндаги 1-100-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 А 883 НА бўлган, «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 454 005 сўм.***

* Ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 11 С 4525 бўлган, «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 767 731 сўм 5 тийин.***

* ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2015 йил 17 августдаги 1-275-сонли ижро варақасига асосан, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 N 851 АА бўлган, «Москвич» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 018 400 сўм.***

* ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2015 йил 18 августдаги 277-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 10 F 891 КА бўлган, «ВАЗ-2101» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 2 051 050 сўм.***

* ЖИБ Оққўрғон тумани судининг 2014 йил 14 майдаги 1-201-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 О 908 ЕА бўлган, «Damas» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 9 119 148 сўм.***

2016 йил 2 декабрь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Оҳангарон тумани СИБ томонидан ФИБ Оҳангарон тумани судининг 2016 йил 19 июндаги 1-5247-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-3 даҳаси, Сўғдиёна кўчаси, 3-уйда сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75 Х 020 АА бўлган, «Volvo FH12 4X2T» русумли юк автомашинаси.

***Бошланғич баҳоси — 82 378 100 сўм.***

* Бўка тумани СИБ томонидан ФИБ Оҳангарон тумани судининг 2016 йил 18 апрелдаги 1110-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Миржавлон файз барака» МЧЖда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 575 ZAA бўлган, «Malibu» русумли автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 99 831 000 сўм.***

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман (шаҳар) СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида автотранспорт воситаси учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto trade cooperation» МЧЖнинг АТ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати;

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— хорижий юридик ва жисмоний шахслар — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (+99895) 193-74-96.**
**Электрон почта: info@auksion.uz**

1621R/490

Гувоҳнома № 005148.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 15 ОКТЯБРДАН 21 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Молия вазирлиги, Марказий банк бошқарувининг 2016 йил 28 сентябрдаги 01-02/12-35, 405-Н, 71, 120-В-5-сон «Темир йўл транспорти йўловчиларининг қўл юкини, багажини, валютасини ва валюта бойликларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш тартибига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 619-5 (2016 йил 24 октябрдан кучга кирди).***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 8 октябрдаги 32/4-сон «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1835-3 (2016 йил 24 октябрдан кучга кирди).***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 8 октябрдаги 32/5-сон

**Хабар**

«Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-3 (2016 йил 24 октябрдан кучга кирди).***

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 17 сентябрдаги 28/5-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2016 йил 21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-1 (2016 йил 24 октябрдан кучга кирди).***

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган тиббий буюмларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2094, 2010 йил 13 апрель).

***Адлия вазирининг 2016 йил 12 июлдаги 176-мҳ-сон буйруғига асосан 2016 йил 18 октябрда давлат реестридан чиқарилди.***

***Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***


## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Республика суд департаменти томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 20 июлдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 72-уйда жойлашган, умумий майдони 1940 кв. м., фойдаланиш майдони 1029,89 кв. м., 9 қаватли ертўлали бинонинг биринчи ва иккинчи қаватининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 5 958 919 009 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 11/1-уйда жойлашган, умумий майдони 842 кв. м., ер майдони 1178 кв. м. бўлган икки қаватли офис биноси.

***Бошланғич баҳоси — 2 709 498 815 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 2 декабрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 30 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1625R/180



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент минтақавий филиали

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

Аукцион савдосига ТИФ «Миллийбанк» Тошкент вилояти бўлимига тегишли, Қибрай тумани, «Дўрмон» ҚФЙ, О. Ғозихонов 2-тор кўчасида жойлашган, ер майдони 0,069 гектар, фойдаланиш майдони 540,32 кв. м. бўлган, бостирмадан иборат 2 қаватли дўкон биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 396 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 29 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 25 ноябрь куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулк 2016 йил 29 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2016 йил 5, 9, 14 ва 19 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 5 декабрдаги савдо учун — 2 декабрь куни, 9 декабрдаги савдо учун — 7 декабрь куни, 14 декабрдаги савдо учун — 12 декабрь куни, 19 декабрдаги савдо учун — 16 декабрь куни соат 16.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлигига оид ҳужжат билан бирга, қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати нусхаси;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 10 (ўн) кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1627R/180



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 январдаги 11-12 31/1446-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Шўралисой» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 1513,70 кв. м. бўлган қурилиши тугалланмаган бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 527 330 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 29 ноябрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 25 ноябрь куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1624R/180



**Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида чорвачилик мажмуаси ва чўпон уйи қурилиши бўйича ITB/005/16-сонли тендерга таклиф.**

## БМТнинг Тараққиёт дастури

**барча қизиқиш билдирган компанияларни Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида чорвачилик мажмуаси ва чўпон уйи қурилиши бўйича тендерда қатнашишга таклиф этади.**

Тендер ҳужжатларини БМТ Тараққиёт дастурининг қуйидаги манзилидан олиш мумкин: **http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/en/home/operations/procurement/constructionoflifestockcomplex.html**

Тендер ҳужжатлари билан танишиш чоғида юзага келган саволларга ойдинлик киритиш мақсадида 2016 йил 4 ноябрь куни соат 15.00 да компаниялар учун конференция ташкил этилади.

Қизиқиш билдирган компаниялар тендерда қатнашишлари ҳақидаги маълумотни **2016 йил 16 ноябргача** қуйидаги манзилга юборишлари лозим: **pu.uz@undp.org**

Таклифларингиз PDF форматда қуйидаги манзилга: **bids.uz@undp.org** юборилиши ёки муҳрланган конвертда БМТ Тараққиёт дастури жойлашган Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 41/3-уйга 2016 йил 21 ноябрь куни соат 18.00 гача «ITB/005/16 — Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида чорвачилик мажмуаси ва чўпон уйи қурилиши» белгиси билан топширилиши лозим.

Конвертда ва электрон хабарда фирма/компания/ташкилот номи аниқ кўрсатилиши шарт.

1626R/100



**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

## «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (0-595) 144-84-04, 170-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (0-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй, | (0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (0-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (0-595) 177-06-88 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к., 2-уй | (0-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (0-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй | (0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42, (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-593) 400-40-25 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй | (0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Мирзаобод тумани, Пиллакор қўрғони | (0-595) 510-96-99, 510-10-09 (0-367) 227-16-20, (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (0-367) 227-00-44 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (0-595) 510-10-17 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (0-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй | (0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (0-595) 510-95-26 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (0-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 (0-366) 442-68-03, (соат 8.00 — 17.00) (0-366) 442-68-15 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (0-595) 600-12-02, (0-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (0-365) 223-38-37, (0-595) 600-60-15 (0-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (0-595) 601-14-96, 601-11-85 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 601-11-53, 601-12-29 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-86 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-84 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (0-595) 601-43-67 |
| **Жаслиқ кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслиқ аҳоли пункти, Тулей стан-си | (0-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш.Темиров к., 4-уй | (0-376) 224-07-65, (0-595) 501-11-07 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-595) 505-05-41, 505-02-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00) |
| **1-Линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (0-375) 221-17-25, (0-595) 505-05-23 |
| **2-Линия техник цехи,** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (0-375) 505-05-13, (0-595) 506-81-68 (0-375) 552-11-67 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (0-595) 602-22-18, 602-22-13 (0-362) 223-36-58, |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Садоқат к., 2-«Б» уй | (0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01 (0-595) 610-07-05, (0-436) 224-74-21 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (0-595) 603-33-19, (0-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (0-595) 603-33-25 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (0-595) 603-12-84, (0-436) 593-09-35 |
| **Нурота кабель участкаси,** Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй | (0-595) 603-31-32, 610-69-89 |

160R/66



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 057 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.17 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6